



ЯНГИ ҚОНУНЛАРДА ҚАНДАЙ ЎЗГАРИШЛАР КУТИЛМОҚДА?

2018 йил 27-28 сентябрь кунлари Тошкент шаҳрида бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн олтинчи ялпи мажлиси олдидан Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилиш «Хусусий бандлик агентликлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни ҳамда «Уй-жой коммунал хизматларни кўрсатиш ва аҳолининг ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилинишини таъминлаш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни муҳокамасига бағишланди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси томонидан 2018 йил 6 сентябрь кунли қабул қилинган «Хусусий бандлик агентликлари тўғрисида»ги қонун Ўзбекистон фуқароларини ҳам мамлакатимиз қорхоналарида, ҳам хорижда ишга жойлаштириш имкониятини ошириш ва кенгайтиришга, давлат хизматлари ва хусусий сектор томонидан бандликка қўмаллаштириш механизмларини аниқ тартибга солишга, ишга жойлаштириш хизматларини кўрсатиш тартибини ва шартларини, шу жумладан, хусусий бандлик агентликларининг, қорхоналарнинг ва иш қидираётган шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаб беришга қаратилган.

Қонунда «хусусий бандлик агентликлари» тушунчаси очиқ берилмоқда, хусусий бандлик агентликлари ходимлари сонига ва уларнинг раҳбарларига талаблар қўйилмоқда.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан 2018 йил 30 август кунли қабул қилинган ҳамда «Уй-жой коммунал хизматларни кўрсатиш ва аҳолининг ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилинишини таъминлаш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни мақсади тўлов интизомини мустаҳкамлашга, шунингдек, айрим тоифадаги I ва II гуруҳ ногиронларига имтиёзли пенсия тайинлаш тартибини такомиллаштиришга қаратилган.

Қонуннинг 1-моддасига мувофиқ, «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига қўшимчалар ва ўзгариш киритилди. Жумладан, тегишли банд билан Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлайдиган рўйхат бўйича I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган эркакларга камида 25 йил иш стаж, аёлларга камида 20 йил иш стаж бўлган тақдирда пенсия олиш ҳуқуқи берилади.

Мамлакатимизда 760 мингдан ортиқ ногиронлиги бўлган шахс рўйхатга олинган. Мутахассисларнинг фикрларига кўра, ушбу ўзгариш ва қўшимчалар пенсия тарқатишда учраётган камчиликлар, нотўғри ҳисоблашларга барҳам беришга хизмат қилади.

Қонуннинг 2-моддасига мувофиқ, Уй-жой кодексининг 134-моддасига қўшимча ва ўзгаришлар киритилди. Хусусан, давлат ва хусусий уй-жой фондларида кўрсатиладиган сув таъминоти ва сувни чиқариб юбориш (канализация) хизматлари учун мажбурий тўловлар олдиндан 100 фоизлик ҳақ тўлаш асосида амалга оширилиши белгиланмоқда. Давлат ва хусусий уй-жой фондларида жойларнинг мулкдорларига, ижарага олувчиларига коммунал хизматлар кўрсатиш мажбурий тўловлар 3 ойдан ортиқ тўланмаган тақдирда тўхтатиб турилади, бундан сув таъминоти ва сувни чиқариб юбориш (канализация) хизматлари, шунингдек, электр энергияси ва табиий газ етказиб бериш тўхтатилди.

Ушбу қонун қарздорликнинг олдини олиш, коммунал соҳа ташкилотларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, ички инфратузилмасини яхшилаш, соҳага янги технологияларни жалб этишга хизмат қилиши айtilди.

Н.НАСРИЕВ,
ЎЗА мухбири.

1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар кuni



БИРИНЧИ ЎҚИТУВЧИМНИ ЭСЛАГАНДА, СОҒИНЧНИ, ҚАРЗДОРЛИКНИ ҲИС ЭТАМАН



Элмурат ТАСМУРАТОВ,
юнон-рум кураши бўйича XXXI ёзи
Олимпиада ўйинлари бронза медали соҳиби:

— Биринчи партада ўтирдим. Мактабдаги шўх ва уришқоқ болалардан бири эдим. Қайси дарслиги эсимда йўғу лекин бир кун бошқа синфдошларим ўқитувчимиз берган топшириқни бажарар, фақатгина мен ёнимдаги ўртоғимни гапга тутиб турган эдим. Шунда муаллим мендан хафа бўлди. Мен устозимни жуда яхши кўрдим. Синфдошларимнинг олдида роса изза бўлдим.

Негандир биринчи ўқитувчимни эслаганимда шу воқеа ёдимга тушаверди. Чирчиқ шаҳридаги 3-мактаб, иккинчи қават, Сафаргул Сафарова. Ўқитувчимиз қаттиққўл бўлгани билан меҳрибон эди. Эринмай қўлимиздан ушлаб ёзишни ўргатарди. Дарҳақиқат, бутунга қадар менга улардан эсдалик бўлиб қолгани бу ҳуснихатимдир.

Оилада эрка ўганим учун синфда ҳам атрофимдагилардан шундай муносабатни кутгандим. Лекин бу нотўғрилигини тушундим. Шу кундан бошлаб ўзгара бошладим. Устозимизнинг биздан икки-уч синф юқориди ўқийдиган Мерган деган ўғли бор

эди. У юнон-рум курашига қатнашарди. Унга ҳавас қилиб, мен ҳам юнон-рум курашига борганман. Бирга курашардик. Ўқитувчимиз ҳам мени қўллаб-қувватлаганди. Кейинчалик мен бу спорт турини профессионал даражада давом эттирдим.

Бошланғич синфни тутатганимдан сўнг биз Бўстонлиққа кўчиб кетдик. Юқори синфни ўша ерда давом эттирдим. Турли хил вазиятлар туфайли анча йиллардан бери биринчи ўқитувчимни кўргани боролганим йўқ. Бундан виждоним қийналади. Лекин узоқда бўлсам-да кураш ва чиройли ҳуснихатим менга уларни эслаб туради. Мени бутунги эришган барча ютуқларимда биринчи ўқитувчимнинг ҳиссаси катта.

Азиз устозим! Сизни яқинлашиб келаётган Ўқитувчи ва мураббийлар байрами билан чин дилдан табриклайман. Сизни нури сиймонгиз олдида бош эгиб, таъзим қиламан.

«Ўзбекистон овози» мухбири
Шаҳбоз САИДОВ ёзиб олди.

АДАБИЙ ДЎСТЛИК ТАРАННУМИ

Дунёда дўстлик энг азиз неъматлардан бири ҳисобланиши бежиз эмас. Негаки, бу туйғу миллати, тили, жойлашган ҳудудидан қатъи назар, башар халқларини бир-бири билан яқинлаштиради, улар ўртасида маънавий кўприклар яратади.

Давлатимиз раҳбарининг адабиётимиз ривожига кўрсатаётган юксак эътибори, «Адабий дўстлигимиз абадий дўстликка айлансин» деган даъватлари, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси қошида «Ўзбек адабиётининг хорижий дўстлари кенгаши»ни тузиш ҳақидаги ташаббуслари, шубҳасиз, шу олижаноб мақсаднинг амалга ошишига хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг нафақат халқаро масалалар, савдо-иқтисодий муносабатлар, маърифий алоқаларни ҳам мустаҳкамлашга юксак эътибори, мамлакатимизнинг дунё миқёсидаги адабий алоқаларини ҳам кенг ривожлантиришга хизмат қилмоқда. Айниқса, хорижий давлатлар раҳбарлари билан бўладиган олий даражадаги учрашувларда ўша давлатга мансуб таниқли давлат ва жамоат арбоблари, хусусан, ардоқли шоир ва ёзувчиларнинг китобларини ўзбек тилида нашр этиб тақдим қилиб бориш бўйича ташаббусли ёндашув давлатларaro аҳамият касб этмоқда. Ўтган қисқа давр мобайнида Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбаевга «XXI аср бўсағасида», Тожикистон Президенти Эмомалӣ Раҳмонга Абдураҳмон Жомийнинг «Муҳаббат маҳзани», Беларус Президенти Александр Лукашенкога Якуб Коласнинг «Қадрдон кўшиқлар» китобларининг тақдим этилиши, ўз навбатида, мазкур мамлакат раҳбарларининг бундай эъзоз ва эътиборга кўрсатаётган жавоб ҳаракатлари бу жараённинг халқаро муносабатларда эзгу аънава кўринишини олаётганидан гувоҳлик бериб турибди.

► Давоми 3-бетда.

Мулоҳаза

ЎҚИТУВЧИГА ЭЪТИБОР — КЕЛАЖАККА ЭЪТИБОР

Ота-оналардан ҳаётдаги энг катта орзуси

сўралганда, кўпчилигининг жавоби, бир хил бўлади:

«Фарзандимнинг бахтини кўришни хоҳлайман», «Боламнинг ақлли ва илмли бўлиб, жамиятда ўз ўрнини топишини истайман»...

Бу каби истакларнинг ижобат бўлиши учун фарзандларимизга билим ва тарбия беришимиз керак. Бироқ шу кунга қадар бу улғу мақсад йўлида эътиборсиз қолган масалалар кўп бўлди.

► Давоми 2-бетда.

Диққат, сизни қизиқтирган мавзу

НОННИНГ НАРХИ ВА ҚАДРИ

Бугун ҳаёт тезкор ривожланмоқда. Талаб ва таклифга асосланган бозор муносабатлари янгида янги иқтисодий қонунлар, тартибларни жорий этилишини тақозо этмоқда. Ана шундай ҳаётин зарурятлар сабабли қабул қилинган меъёрий ҳужжатлардан бири — мамлакат аҳолисини ва иқтисодиёт тармоқларини рақобат ва бозор механизмларини жорий этиш асосида дон, ун ва нон билан ишончли таъминлаш чора-тадбирларини ўзида мужассам этган Ҳукумат қароридир. Унга кўра, жорий йилнинг 15 сентябидан бошлаб 1 килограмм 1-нав бугдой унининг улғуржи нархи 1 400 сўм, бир дона қолипчи ноннинг эркин бозор нархи 1050 сўм белгиланди ва сотилмоқда.

Шу сабабли аҳоли ўртасида дон, ун ва нон маҳсулотларининг нархлари юзасидан айрим тушунмовчиликлар пайдо бўлмоқда...

Авваламбор, қарор матни диққат билан ўқиб чиқилса, гап барча ун, дон маҳсулотларига эмас, балки фақат давлат тизимидаги бозор нархларидан паст бўлган қолипчи нон ишлаб чиқарувчиларга тақсимланаётган унининг нархи тўғрисида эканлиги аққол аёнлашади. Қолаверса, қарорда бошқа ун ва дондан ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар нархи тўғрисида умуман ҳеч нарса дейилмаган. Чунки тандирда ёпилган нон ва бошқа нон маҳсулотлари таркибига

давлат томонидан нархи пасайтирилган ун қўшилмайди. Уларга ишлатиладиган ун ички бозор нархларида сотиб олинган ҳамда импорт орқали келтирилган ун маҳсулоти ҳисобланиб, уларнинг нархи бозор талаблари асосида аллақачонлар шакллантирилган. Шунингдек, бундан кейин ҳам бу тоифадаги унининг нархи талаб ва таклиф асосида шаклланиб бораверади.

Демак биз, бу икки муҳим жиҳатга эътиборимизни алоҳида қаратишимиз лозим бўлади.

Таъкидлаш жоиз, бозор муносабатларига ўтиш жуда ҳам мураккаб, узоқ давом этадиган узлуксиз жараёндир.



Дунёнинг тараққий этган давлатлари, хусусан, Европа мамлакатларида нормал бозор иқтисодиёти тадрижий асосда, яъни асрлар давомида ривожланиб ҳозирги кўринишга келган. Айни пайтда бу мамлакатларда бозор муносабатлари янада тезкор такомиллашиб бораётир. Эеро, талаб ва таклиф асосида шаклландиган баҳо, ўзаро ҳалол рақобат муҳити мавжуд бўлгандагина бозор муносабатлари пайдо бўлади ва рисоладагидек фаолият кўрсата бошлайди.

► Давоми 3-бетда.

САЙЛОВ КОДЕКСИ ЛОЙИҲАСИ

жамоатчилик
муҳокамасида

2



ОБУНА — 2019

«ЎЗБЕКISTON ОВОЗИ» газетасига ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА

ОБУНА
ИНДЕКСИ 220



«ОҲАНГАРОН ШИФЕР»


акциядорлик жамияти жамоаси

мамлакатимиз таълим даргоҳларида фаолият кўрсатаётган муаллимларни, фидойи зиёдиларимизни
1 ОКТЯБРЬ — ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ
муносабати билан муборакбод этади!

Бугун замонавий билим ва касб-хунарлар,
хорижий тилларни пухта эгаллаб, катта умид ва
ишонч билан ҳаётга қадам қўяётган, эртанги
кунимизнинг ҳал қилувчи кучи бўлган
минг-минглаб фарзандларимиз камолида
ўқитувчи ва мураббийларнинг заҳматли
меҳнати мужассам.



АЗИЗ-УСТОЗЛАР, БАЙРАМИНГИЗ БИЛАН ҚУТЛАЙМИЗ!



Маҳсулотлар сертифициланган.

QQB QISHLOQQURILISHBANK



- ☒ Замонавий
- ☒ Қулай
- ☒ Тезкор

“QQB-MOBILE” —
барча хизматлар
мобиль телефонингизда!

ДАСТУРДАН ФОЙДАЛАНИБ:

- ☒ уяли алоқа операторлари, шаҳар телефони, интернет провайдерлар, рақамли телевидение хизматлари;
- ☒ «Қишлоққурилишбанк» дан олинган истеъмола ва ипотека кредитлари;
- ☒ коммунал хизматлар;
- ☒ Тошкент шаҳар Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси жарималари учун тўловларни амалга ошириш мумкин.

Илова ёрдамида МУНИС тўлов тизими орқали АТБ «Қишлоққурилишбанк» пластик картасидан маблағларни бошқа банк пластик картасига ўтказиш имконияти мавжуд.

«Қишлоққурилишбанк» — фаровон ҳаётингиз хизматида!

(+99871) 150-39-93, 150-76-47

www.qqb.uz

Хизматлар лицензияланган.

ЗАВОД «KRANTAS»

Производит и реализует под заказ:



- ▶ Бензовозы — 4, 8, 10, 12, 16 м³.
- ▶ Водовозы — 4, 8, 12 м³.
- ▶ Вахтовые автобусы 4х4 — 22 мест, 6х6 — 26 мест.
- ▶ Комбинированные поливомоечные машины — 4, 8 м³.
- ▶ Кислотовозы — 6, 8, 10 м³.
- ▶ Автогудронаторы — 6, 8 м³.
- ▶ Полуприцепы: бензовоз, самосвальный, бортовой, контейнеровоз.

ГАРАНТИЯ 1 ГОД

Товары сертифицированы.

Адрес: Республика Узбекистан, г. Ташкент. Тел./факс: (+99871) 262-97-78, (+99871) 262-23-61. Моб.: (+99890) 188-15-33, (+99890) 187-52-05.
E-mail: cst2008@mail.ru Web-site: www.avtokran.uz, www.krantas.uz

O'ZBEKISTON OVOZI

МУАССИС:



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

Баш муҳаррир: **Савар ОСТОНОВ**

ТАҲРИР ҲАҲАТИ:

Ҳотамжон КЕТМОНОВ

Муслиҳиддин

Фаррух ҲАМРОЙЕВ

(Баш муҳаррир биринчи о'ринбосари)

Улуғбек ВАҒОЙЕВ

МУҲИДДИНОВ

Тат'яна КИСТАНОВА

(Баш муҳаррир о'ринбосари)

Сайдкамол ХОДЖАЙЕВ

Очилбой РАМАТОВ

Қабулхона — 233-65-45

Хатлар ва мурожаатлар учун — 233-12-56

Реклама ва е'лонлар учун — 233-38-55, 233-47-80.

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

МАНЗИЛИМИЗ:

100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi.

Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.

Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba, shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 938. 6736 nusxada bosildi. Nashr ko'rsatkichi — 220.

O'ZA yakuni — 22:15.

Topshirilgan vaqti — 00:35

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatches:

Alifsher RO'ZIYEV

Sahifalovchi-dasturchi:

Zafar BAKIROV

ISSN 2010-7633



Газетанинг электрон саҳифасига ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.

1 2 4 5 6